ҒЎЗАПОЯНИ ЭГИЛТИРАДИГАН КУЧНИ УНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ ВА ЭГИЛТИРГИЧГА БОҒЛИҚЛИГИ

Тадқиқотнинг объекти сифатида пуштада тик ҳолатда турган ғўзапояни ён эгатга эгилтириш жараёни ва уни амалга оширадиган эгилтиргичнинг технологик ва конструктив параметрлари қабул қилинди. Ресурс тежаш, тупроқни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигида арзон маҳсулотлар етиштириш нафақат республикамиз, балки дунёнинг соҳа мутахассилари олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабли таклиф этилган технология ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегат таркибидаги ишчи қисмлар билан бажариладиган технологик жараён ва уларни асослашга
бағишланган тадқиқот иши долзарб ҳисобланади. Технологияда бир неча жараён бир йўла бажарилиши унинг ресурстежамкорлигини, ғўзапояларни кўмилиши эса тупроқ унумдорлигини оширишга бағишланганлигини билдиради.

Full text